## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

90 Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида хавфли юкларни ташиш коидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кушимчалар киритиш туррисида

Радиоактив чиқиндилар ўз вақтида чиқариб ташланиши ва кўмилишини таъминлаш, шунингдек радиологик тусдаги фавкулодда вазиятлар окибатларини тезликда тугатиш максадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофик айрим карорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 2. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси республика худуди буйича автомобиль транспортида радиоактив моддалар ва радиоактив чикиндилар ташилаётганлиги, шунингдек радиоактив чикиндилар кумилаёт-

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



90-модда

ганлиги тўгрисидаги ахборот 2-иловага мувофик схемага биноан Вазирлар Махкамасига такдим этилишини таъминласин.

- 3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бир ой муддатда ўзлари томонидан ҳабул ҳилинган норматив-ҳуҳуҳий ҳужжатларни ушбу ҳарорга мувофиҳлаштирсинлар.
- 4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ахмедбаев зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2016 йил 27 февраль, 56-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 февралдаги 56-сон қарорига 1-ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларида:
  - а) 2-бандда:

куйидаги мазмундаги ўн еттинчи — йигирманчи хатбошилар қушилсин: «радиоактив чиқиндилар — кейинчалик фойдаланишга мулжалланмаган, таркибида солиштирма активлиги 74 кБк/кг дан ортиқ даражали радионуклидлар мавжуд булган ва Хавфли юклар таснифи буйича 7-даражага тегишли булган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги модда;

паст активликдаги радиоактив чикиндилар — солиштирма активлиги  $10^3$  кБк/кг дан кам булган ва гамма-нурланиш дозаси куввати юзада 0.1 м масофада 0.001 м  $\Gamma$ р/ч дан 0.3 м $\Gamma$ р/ч гача булган чикиндилар;

**ўртача активликдаги радиоактив чикиндилар** — солиштирма активлиги  $10^1$  кБк/кг дан  $10^7$  кБк/кг гача бўлган ва гамма-нурланиш дозаси куввати юзада 0,1 м масофада 0,3 мГр/ч дан 10 мГр/ч гача бўлган чикиндилар;

**юқори активликдаги радиоактив чиқиндилар** — солиштирма активлиги  $10^1$  кБк/кг дан ортиқ булган ва гамма — нурланиш дозаси қуввати юзада 0.1 м масофада 10 мГр/ч дан ортиқ булган чиқиндилар»;



ўн еттинчи — йигирма саккизинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма биринчи — ўттиз иккинчи хатбошилар деб хисоблансин;

- б) 50-банднинг биринчи хатбошида «алохида хавфли юкларни» сўзларидан кейин паст ва ўртача активликдаги радиоактив чикиндилар бундан мустасно» сўзлари кўшилсин;
  - в) 51-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «Алохида хавфли юкларни, паст ва ўртача активликдаги радиоактив чиқиндилар бундан мустасно, фақат ички ишлар органларининг қуролли соқчилари хамрохлигида (юридик шахсларнинг қуролли соқчилари хамрохлигида) ва хавфли юклар Йўл харакати хавфсизлиги худудий бошқармалари (Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ЙХХБ, Тошкент шахар Ишчи ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ишчи ишлар бошқармалари)нинг автомотранспорт воситалари хамрохлигида ташишга йул қуйилали»:
- г) 54-банднинг биринчи хатбошида «Хавфли юкларни ташишда» сўзларидан кейин «паст ва ўртача активликдаги радиоактив чикиндилар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;
- д) 57-банднинг иккинчи хатбошида «хавфли юкларни ташишга» сўзларидан кейин «паст ва ўртача активликдаги радиоактив чиқиндилар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;
- e) 89-банднинг биринчи хатбошида «Хавфли юкларни ташишда» сузларидан кейин «паст ва ўртача активликдаги радиоактив чикиндилар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.
- 2. Вазирлар Махкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти сохасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тургисида» ги Узбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) 1-иловада биринчи ва иккинчи позициялар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

<b>«</b>			
1.	Оғир вазнли, йирик габаритли ёки	Оғир вазнли, йирик габаритли	Юритишида
	алохида хавфли юкларни, паст ва	ёки алохида хавфли юкларни,	автомобиль йўллари
	ўртача активликдаги радиоактив		бўлган юридик
	чиқиндилар бундан мустасно,	радиоактив чиқиндилар бундан	шахслар, Ички ишлар
	автомобиль транспортида ташиш-	мустасно, автомобиль транспор-	вазирлиги
	га рухсатнома	тида ташиш	
2.	Оғир вазнли, йирик габаритли ёки	Оғир вазнли, йирик габаритли	Ички ишлар
	алохида хавфли юкларни, паст ва	ёки алохида хавфли юкларни,	вазирлиги
	ўртача активликдаги радиоактив	паст ва ўртача активликдаги	
	чиқиндилар бундан мустасно,	радиоактив чикиндилар бундан	
	автомобиль транспортида ташиш	мустасно, автомобиль транспор-	
	йўналиши схемасини келишиш	тида ташиш ва оғир вазнли,	
		йирик габаритли ёки алохида	
		хавфли юкларни, паст ва ўртача	
		активликдаги радиоактив чи-	
		қиндилар бундан мустасно,	
		автомобиль транспортида	
		ташишга рухсатнома олиш	



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016

ű.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 февралдаги 56-сон қарорига 2-ИЛОВА

## Республика худуди бўйлаб автомобиль транспортида радиоактив моддалар ва радиоактив чикиндилар ташилиши, шунингдек радиоактив чикиндилар кўмилиши тўгрисида Вазирлар Махкамасига ахборот такдим этиш СХЕМАСИ

Босқич- лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	1.РМ, РАЧни берувчи ИНМ айланиши субъекти 2. РМ, РАЧни қабул қилувчи ИНМ айланиши субъекти	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий Давлат санитария-эпидемиоло- гия назорати марказининг РМ, РАЧ идентификация қилинганлиги тўгри- сидаги хулосаси илова қилинган холда РМ, РАЧни бериш ва қабул қилишга рухсатнома олиш учун «Саноатгеоконтехназорат» ДИга буюртманома беради.	РМ, РАЧни ташиш зарур бўлганда
2-босқич	«Саноатгеоконтехназорат» ДИ	1. ИНМ субъектларига РМ, РАЧни қабул қилиш ва беришга рухсатнома беради. 2. РМ, РАЧнинг мўлжалланаётган ташилиши тўгрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этади.	Ўша кунда
3-босқич	1.РМ, РАЧни берувчи ИНМ айланиши субъекти  2. РМ, РАЧни қабул қилувчи ИНМ айланиши субъекти	Қабул қилиш-бериш далолатномаси бўйича РМ, РАЧни ИНМ айланиши субъектига ёки «RESPUBLIKA RADIOAKTIV CHIQINDILARINI KOʻMISH KORXONASI» давлат корхонасига беради.     РМ, РАЧни қабул қилиш-топшириш далолатномасини «Саноатгео-контехназорат» ДИга тақдим этади.     РМ, РАЧ қабул қилинганлиги (кўмилганлиги) тўгрисидаги билдиришномани «Саноатгеоконтехназорат» ДИга тақдим этади.	РМ, РАЧни қабул қилиш- бериш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин 10 кун
4-босқич -	«Саноатгеоконтехназорат» ДИ	РМ, РАЧ қабул қилиниши-берилиши ёки кўмилиши тўғрисидаги ахборотни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.	РМ, РАЧни қабул қилиш- бериш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин 10 кун

**Изоҳ:** схемада қуйидаги қисқартиришлар қабул қилинган: ИНМ — ионлаштирувчи нурланиш манбаи; РМ — радиоактив модда; РАЧ — радиоактив чиқиндилар.

